O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 11 июль, №142-143 (3254-3255) Жума

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАРШАВА УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан 10 июль куни расмий ташриф билан Варшава шаҳрига жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Польша ҳақида гапирганда, энг аввало, бизни бу мамлакат билан кўп йиллик тарих боғлаб туришини айтиш керак, — деди Президент. — XIX асрда чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар мамлакатимиз ҳудудига сургун қилинган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида қатағонга учраган поляклар учун ҳам юртимиз иккинчи Ватан бўлган. Айни пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган поляк миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ўқув юртларимизда поляк тили ўргатилаётгани, умуман, юртимиздаги поляклар миллий ўзлигини сақлаб келаётгани бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка келсак, бизда ҳам, уларда ҳам ўзаро алоқалар миқёсини янада кенгайтириш, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш истаги борлигини айтиш жоиз. Польшада ҳокимият тепасига Александр Квасьневский келгач, бу истак, хайрихоҳлик янада кучайди. Ўтган йил октябрь ойида Польша Президенти мамлакатимизга ташриф буюрган чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик. Жўғрофий жойлашиши, коммуникация, автомобиль ва темир йўллари жиҳатидан кенг имкониятларга эга бўлган, ялпи ички маҳсулоти 200 миллиард АҚШ долларидан ошувчи, ўзининг юксак салоҳиятидан оқилона фойдаланаётган Польша билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизга ҳар томонлама мос келади. Польша яқиндагина НАТОдек нуфузли ташкилотга аъзо бўлгани, 2004 йили эса Европа Иттифоқига қўшилишини ҳисобга олсак, жаҳон миқёсидаги нуфузи кундан-кун ортиб бораётган бу мамлакат билан ҳамкорлик биз учун ҳар жиҳатдан муҳим экани янада яққолроқ намоён бўлади.

Европанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилаётган Польша билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, бу соҳадаги натижалар, афсуски, мамлакатларимизнинг салоҳиятига жавоб беролмаслигини айтиш керак. Шу сабаб Варшавага ташрифимиз чоғида иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Сафар давомида саккизта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар орасида Польшанинг Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратишига оид ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг иккита кредитнинг ярми мамлакатимиздаги таълим муассасаларини қайта таъмирлаш учун сарфланади.

* * *



***ВАРШАВА. 10 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Польша Президенти саройидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Польша Президенти Александр Квасьневскийнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Польша алоқаларини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Афғонистонни тиклаш, халқаро ташкилотлар, дастур ва лойиҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида эса томонлар Ўзбекистон—Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ҳужжат имзолаш маросими аввалида мамлакатимиз раҳбари Польша Президентига ҳаёт тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини ўзида акс эттирувчи архив ҳужжатларини топширди. А.Квасьневский бу хайрли ишни катта хайри-саховат сифатида қабул қилишини таъкидлаб, Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ҳужжат имзолаш маросимида ҳукуматлар ўртасида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобил қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Польша миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг "Банк государства краевего" ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди.

Ислом Каримов ҳамда Александр Квасьневскийнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида музокаралар чоғида муҳокама қилинган масалалар, икки мамлакат ҳамкорлигининг диққатга сазовор жиҳатларига оид ахборот берилди. Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Варшавадаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Польша Парламентида ўтказилган учрашув чоғида Ислом Каримов Польша Сенати раисининг ўринбосари Й. Данеляк хоним ҳамда Польша Республикаси Сейми маршали М.Боровский билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, мавжуд ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, томонлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишга оид масалалар тўғрисида сўз борди.

Президентимизнинг Польшага расмий ташрифи давом этмоқда.

***СУРАТДА: ташриф пайтида.***

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Оққўрғон туманининг "Оққўрғон" ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилишда ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли якунлаш, ҳосилдан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ҳамда ғўза парваришига доир кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юзасидан кенгашиб олинди.*

## Ғўза парвариши долзарб паллага кирди

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоят ғаллакорлари бу йил мўл ҳосил етиштирди. Айни кунларда далаларда 28О ўрим агрегати, жумладан, 192 та "Кейс" юқори унум билан ишлатилмоқда. Чиноз ва Тошкент тумани ғаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш шартномарежасини бажарди. Вилоят ғаллакорлари бу йил давлат омборларига 297 минг тонна дон етказиб беради.

Ўрим-йиғим масаласида вилоят ғаллакорлари барча имкониятларни ишга солмоқда. Аммо ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш, такрорий экин экиш борасидаги аҳвол кўнгилдагидай эмас. Бу ишга эътиборни кучайтириш керак.

Семинар-кенгашда ғўза парваришининг аҳволи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари, туман ҳокимларининг бу борадаги ахборотлари тингланди.

Бундан бир ой аввал бўлиб ўтган йиғилишда айни масала муҳокама этилган, ғўза парвариши билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар кескин танқид остига олинган, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган эди.

Натижада бугунги кунда ғўза парваришидаги аҳвол бирмунча ижобий томонга ўзгарди. 11О минг гектар майдонда парваришланаётган экин ривожи анча яхши. Вилоят бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 109 минггача бўлиқ кўчат бор. Бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб 25 минг туп кўпдир.

Галдаги асосий вазифа — ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтириш. Республика ҳукуматининг вилоят хўжаликларини янги культиватор, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашдаги амалий ёрдами бу борада ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.**

Ислоҳот ва самара

*Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.*

**Ислом КАРИМОВ.**

## ТАДБИРКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

### 1. Туб бурилиш ибтидоси

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эса ана шу ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими соддалаштирилгани, уларга ўз маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароит яратилгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, бизда ишбилармонларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар қисқартирилгани, имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли орқали молиявий кўмаклашиш миқёслари кенгайтирилганини ҳам уқтириб ўтиш жоиз.

Бу қандай самара берди?

Аввало, ўтган йиллар мобайнида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик нималарга қодирлигини исботлади. Бугун бунга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Соҳада ижобий ўзгаришлар ҳам манаман деб кўзга ташланмоқда. Аммо улар ўз-ўзидан бўлмаганини, бунга эришиш осон кечмаганини ҳам унутишга ҳақимиз йўқ. Гап шундаки, республика миқёсида бўлиб ўтган ҳар бир йиғинда Юртбошимиз мазкур долзарб масалага бот-бот тўхталиб, тизимда мавжуд нуқсону камчиликлар ва муаммолар хусусида куйиниб гапириб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги мажлисида эса давлатимиз раҳбари ҳудудларда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш учун ҳокимлар ва уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарларига шахсий жавобгарлик юклатилишини таъкидлади. Ва бу кўрсатма баёний қарорда ўз аксини топди.

Яна бир далил. Ўша йилнинг IV чорагидан бошлаб жойларда маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳам кучга кирди. Бу нима дегани?

Ҳужжатда мезонлар, аввало, ҳудудий ялпи ички маҳсулот таркибида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиши кўрсаткичлари билан тавсифланиши белгилаб қўйилди. Унда, шунингдек, иқтисодиётнинг мазкур тармоғида янги иш ўринларини очиш, унинг аҳоли даромадларига таъсири, ҳокимликлар, маъмурий идораларининг кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш ва етарли шароит яратишдаги ўрни инобатга олиниши қайд этилди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес маҳсулоти (хизмати)нинг экспорти ҳажмини ошириш мезонига алоҳида эътибор қаратилишига урғу берилди. Зеро, бу ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадларини кўпайтиришда муҳим омилдир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ва Польша: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Польша давлати географик жиҳатдан юртимиздан анчайин узоқ жойлашганига қарамай, халқларимизнинг қалби яқиндир. Зеро, поляк ва ўзбек халқларининг тақдири кўп маротаба бир-бири билан туташиб кетган, тарих синовларини бирга бошидан кечирган.

Кўплаб полякларнинг Туркистон ҳудудларига кириб келиши 1863 йилда Польшада бўлиб ўтган қўзғолон билан боғлиқ. Биринчи жаҳон уруши ва 30-йиллардаги репрессия сиёсати ҳамда Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам минглаб поляклар ўлкамизга олиб келинганди.

Тарихий манбааларга қараганда, Туркистонда Бухоро ва Хивани инобатга олган ҳолда 8 мингдан то 10 мингга яқин поляк истиқомат қилган. Улар Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида поляк миллий гуруҳларини ташкил этишган.

Поляклар рим-католик черкови вакиллари бўлганликлари боис XX аср бошларида чор Россияси ҳукумати Туркистон ҳудудларида истиқомат қилаётган полякларга Тошкент шаҳрида поляк костёлини қуришга рухсат берган эди. 1916 йилнинг 30 майида қуриб битказилган ушбу иншоотга кетган харажатлар поляклар томонидан қопланган.

Архив материаллари ва уруш йилларида Ўзбекистонга келган полякларнинг хотираларида ўзбекларнинг анъанавий меҳмондўстлиги ва самимийлиги алоҳида таъкидланган. Халқимиз ўша вақтда ўзи оғир шароитда яшаганига қарамай, юртимиздан паноҳ топганларга ҳар жиҳатдан ёрдам берган, бисотида неки бор бўлса, бирга баҳам кўрган. Уларга дарддош ва елкадош бўлган. Тақдир тақозаси билан диёримизга келиб қолган поляклар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг бағрикенглиги, саховати, меҳридарёлиги ва меҳмондўстлиги ҳақидаги ажойиб сўзларни тўлиқ тасдиқлайдилар.

(Давоми 3-бетда).

## Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши маҳалланинг жамиятимиздаги ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлди. Энг муҳими, "Обод маҳалла йили" дастури ишлаб чиқилди ва амалда кенг татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари моддий, маиший ва ижтимоий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ушбу дастурни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида ушбу дастурнинг олти ойлик ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси раиси К.Тўлаганов анжуманни очар экан, юртимизда маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда дастурнинг олти ойлик якунлари ҳақида "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадойбоевнинг ахбороти тингланди. Ўтган вақт мобайнида юртимиз маҳаллаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла оқсоқоллари, раисларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бу борада жамғарманинг Республика хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Маҳаллаларда тижорат банкларининг кредит линиялари орқали кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, гузарлар қурилиб, янги иш ўринлари барпо этилаётир. Ёш оилаларга кўмаклашиш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий муҳофазалаш каби хайрли юмушларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кекса авлодга ғамхўрлик кўрсатиш янада кучайтирилмоқда.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хонадонларни табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам янада жонланди. Дастурга кўра ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, маҳаллаларда турли спорт иншоотлари бунёд этиш, оилавий спорт мусобақалари ташкил этилаётгани диққатга лойиқдир.

Анжуманда "Обод маҳалла йили" дастурининг ижроси юзасидан республика кўригида фаол иштирок этаётган илғор маҳаллалар фаоллари, раислари, ҳокимликлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар вакилларига совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.**

## Бутунжаҳон аҳолишунослик куни

**«Экосан» халқаро жамғармасида Бутунжаҳон Аҳолишунослик кунига бағишланган «Соғлом атроф-муҳит ўсмирлар ва ва ёшлар учун» мавзуида тадбир ўтказилди. Учрашувда ўсмирлар ва ёшларнинг репродуктив саломатлиги, гиёҳвандликка қарши курашишга йўналтирилган миллий дастур ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш масалалари муҳокама этилди.**

**ЮНФПА, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Экосан» ёшлар уюшмаси ушбу тадбирнинг ташаббускори бўлишди.**

**Ш. БОЙМУРОДОВА,
ЎзМУ талабаси.**

## Каттақўрғонда қўшма корхона

**Самарқанд вилоятидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Каттақўрғон туманида америкалик ишбилармонлар билан ҳамкорликда масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси иш бошлади. У бир кеча-кундузда 600 тоннагача помидорни ишлаб, 1,5 тонна томат пастаси тайёрлаш қувватига эга.**

**Америка, Италиянинг замонавий асбоб-ускунаалари билан жиҳозланган корхонада 150 га яқин йигит-қиз иш билан таъминланади. Қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаммасини хорижга экспорт қилиниши режалаштирилаяпти.**

**А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Парламент назорати

# ҚАЛБАКИ ИШЛАР

**ёки қонун ижросига масъул раҳбарларнинг локайдлиги хусусида**

### Истиқболнинг катта таянчи

Бундан, чамаси, олти-етти йил аввал хорижлик фольклоршунос олим Якоб Зингер миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўрганаётиб, айтган сўзлари сира ёдимдан чиқмайди:

— Мен энг гўзал инсоний муносабатлар, қутлуғ анъана-ю урф-одатлар маҳаллада туғилиб, яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек халқининг бағри кенглиги, меҳридарё ва донишмандлиги замирида ҳам маҳалла деган тушунча ётар экан. Бизда бундай гап йўқ. Ҳамма ўзи учун яшайди. Сизларда эса маҳалла одамларни бир-бирига боғлаб туради.

Дарҳақиқат, шундай. Маҳалла, ҳақиқатан ҳам, ноёб ва айтиш мумкинки, фақат ўзимизгагина хос бўлган ўзини-ўзи бошқарув шаклларидан биридир. Аслида, ҳар бир маҳалланинг ўз удуми, қиёфаси, қувонч ва ташвишига эга бўлган катта бир оилага менгзаш мумкин. Одамлар ана шу «Ватан ичра ватан»да бир-бирига суянади, елкадош бўлади, ўрганади. Бир сўз билан айтганда, маҳалла юрт осойишталиги, равнақи, истиқболининг чинакам таянч нуқтасидир. Бундан ўн йил муқаддам Парламентимиз томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларга бўлган катта эътиборни тиниқ ойнада кўрсатганидек, тўла-тўкис акс эттирди. Унда бошқарувнинг қатор вазифаларини бевосита, бундан баҳраманд бўладиган халққа топшириш кўзда тутилди.

Хўш, бугун мазкур Қонундаги ана шу талаблар қандай ижро этилмоқда? Маҳалла оқсоқоллари ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланаяптими? Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси йиғилишида ана шу саволларга ойдинлик киритилди. Унда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

### Арз қилган одам «ёзғувчи»ми?

Қонун катта кучга эга бўлган ҳужжат. Унда нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг манфаатлари мужассам. Бироқ қонун барча унга итоат қилган тақдирдагина самара беради. Аммо ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат берган имкониятни баъзилар ўз манфаатлари йўлида ишлатишга мойил бўлишади. Гап шундаки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси ўрганилганда бу фикрлар ўз исботини топди.

Тўғри, вилоятдаги мавжуд 5 та шаҳарча, 115 та қишлоқ, 647 та маҳалла фуқаролар йиғинларида мазкур қонун ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, фуқаролар йиғинлари раисларининг 85 фоиздан ошиғи олий маълумотга эга эканлиги кўп нарсадан дарак беради. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам зарурий ёрдам кўрсатилмоқда.Чунончи, 794 та фуқаролар йиғини бино билан таъминланган. Кўриб кўзингиз қувнайди. Вилоят аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш борасида чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Ҳозирги кунда вилоятда 23 та стадион, 324 та спорт заллари, 6 та сузиш ҳавзаси, 3316 та спорт майдонлари мавжуд.

Бироқ ўрганишлар давомида баъзи ижрочилар ушбу қонунда ифодаланган меъёр ва талабларни ҳали тўлиқ тушуниб етмаганлари аён бўлди. Ҳаммамизга маълум, асрлар давомида турли синовлардан ўтиб, яшаб келаётган маҳалла фуқаролар учун эзгу мақсадларини амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлиб келган. Сурхондарёдаги баъзи маҳаллаларга нисбатан эса бундай сифатларни келтириш бир оз қийинроқ. Тасаввур қилинг, фуқаро ўз ариза ва шикояти билан маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилса-ю, жавобини ойлаб кутса, сарсон бўлса, буни қандай баҳолаш мумкин. Масалан, Ангор туманидаги аксарият фуқаролар йиғинларида ариза муаллифларига жавоб бериш, унда билдирилган шикоятларни ўз вақтида ўрганиб, холисона, адолатли хулоса чиқариш доимий одат тусига айланмаганлиги барчани ҳайрон қолдирди. Афтидан, ангорлик баъзи маҳалла раислари ҳали-ҳамон эскича усулда иш тутаётганга ўхшайди. Уларда «Ёзибдими, демак, бу «ёзғувчи» деган қарашлар мавжуд. Бу эса ариза ва шикоятларнинг ой сайин эмас, балки кун сайин кўпайишига, фуқароларни туман, шаҳарлар бир четда қолиб, «юқорилаб» кетишига сабаб бўлмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиш кераккки, ўтган йили вилоят бўйича гиёҳвандлик билан боғлиқ 431 та жиноятга қўл урилганлиги қайд этилган. Бунга маҳалла фуқаролар йиғинининг қандай дахли бор, дейишингиз мумкин. Ахир, фуқаролар йиғинлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ички ишлар идоралари билан янада яхшироқ ҳамкорликда иш олиб борганда содир этилган жиноятлар сони камайган бўлур эди.

Аслида, ҳар бир мансабдорда билим, малака, ҳафсала ва қунт бўлса, бу каби ортиқча сўзларга ҳамда йўл қўйилаётган хатоликларга ўрин қолмайди. Акси бўлса-чи? Биз буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Эътибор беринг, ўтган йил давомида фуқаролар йиғини томонидан қабул қилинган қарорлар текширилганда яна ҳам аянчли манзарага дуч келинди. Биргина Ангор тумани прокуратураси томонидан ўтказилган тафтиш натижаларига кўра, Янгиобод, Алишер Навоий, Дўстлик ҳамда Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан қабул қилинган 30 та қарор бекор қилинди. Икки нафар фуқаролар йиғини раисига нисбатан эса прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган. Савол туғилади: нега? Чунки маҳалла раислари ўз ваколат доираларидан чиқиб, хоҳласа, ер ва мол-мулк солиғидан озод этиш, хоҳласа, ёрдамга муҳтож бўлмаган фуқароларга нафақа бериш ҳақида ноқонуний қарорлар қабул қилишган. Қолган «қарор»ларда эса маҳалла раислари «Меҳнат тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қатор қонунлар борлигини умуман унутиб қўйишган.

### Адолат ҳар ишда мезон

Энг ачинарлиси, булар мазкур қонун ижроси бўйича йўл қўйилган камчиликларнинг ҳаммаси эмас. Вилоят молия бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда 16 ёшгача болалари бор оилаларга тўланадиган нафақалар 26 маҳаллада 33 ҳолатда бузилиб, 496,7 минг сўмлик маблағлар қонунга зид равишда тайинланганлиги фош этилди. Сиз билан бизни ҳалолликка, покликка даъват этувчи оқсоқолларнинг бу қилмишларини, очиғи, тушуниш мушкул.

Устига устак, бола икки ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда тўланадиган нафақалар 25 маҳаллада 36 ҳолатда ноқонуний равишда берилган. Натижада жойларда кам таъминланган оилаларни кунига яраши керак бўлган давлатимизнинг 446,9 сўмлик маблағи ўз эгаларига етиб бормаган. Тўғри, текширишлар юзасидан аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар қўлланилиши аниқ. Бироқ муҳтож оилалар, норасида гўдаклар учун давлатимиз томонидан миллион-миллион сўмлик маблағлар ажратилса-ю у ўз эгаларига етиб бормаса, эртага нима бўлади? Бундай ҳол одамларнинг давлатдан кўнгли совушига олиб келмайдими? Ахир бу одамларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, деган кайфият уйғотади-ку!.

Хўш, буни нима билан изоҳлаш мумкин? Бизнингча, баъзи маҳалла раислари ўзларига кўрсатилган ҳурмат ва ишонч юкини кўтаришолмади. Манманлик, савиясизлик уларни шу ҳолга келтирди. Йўқса, фуқароларга моддий ёрдам тўловини амалга оширишда ҳам вилоятлардаги йигирмата маҳаллада 641,7 минг сўмлик маблағлар «юзинг-кўзинг» демасдан, нотўғри сарфланармиди? Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Ахир, қонун ижроси учун масъул бўлган раҳбарлар унга риоя қилмаса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Раҳбарки, локайдлик, беғамлик ва масъулиятсизликни одат, деб билса, одамларни ўз ортидан эргаштириш, уларнинг ишончини қозонишга қодир бўлмаса, билингки, у жойда ўнгланиш бўлиши қийин.

Биз ўз олдимизга ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуришни бош мақсад қилиб қўйганмиз. Шунинг учун парламентимиз томонидан ана шундай жамиятнинг мустаҳкам қонуний негизлари ишлаб чиқилиб, тамал тошлари қўйилмоқда. Энди бевосита жамият аъзолари, кенг жамоатчилик олдида битта вазифа бутун ўткирлиги билан кўндаланг турибди. Биз ўз сиёсий-ҳуқуқий малакамиз устида ишлашимиз, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини ўзида мужассамлаштирган қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ақл-идрок билан ўзлаштириб, маънавиятимиз тамойилларига айлантиришимиз зарур. Зеро, фақат ўз вазифаларини онгли равишда бажариш, барча фуқаролар томонидан ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий тарзда амалга оширилганидагина кўзлаган мақсадларимизга эришишимиз мумкин. Ана шунда маҳаллаларимиз ҳам қуйи бошқарув тизими сифатида кўплаб хорижлик олиму мутахассисларнинг янада қизиқишига сабаб бўлаверади.

**Ф.САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буларнинг ҳаммаси, таъбир жоиз бўлса, тадбиркорлик субъектларининг тараққий этишида туб бурилишни бошлаб бердики, тизимдаги ижобий ўзгаришларни аслида ўша пишиқ-пухта ишлаб чиқилган стратегиянинг меваси, деб баҳоламоқ лозим. Қўқон шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

### 2. Қарор ва ижро

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича шаҳар мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ҳар йили комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият юритади. Масалан, 2002 йилги дастурда 20 та йўналиш бўйича вазифалар белгиланган бўлса, жорий йилга мўлжалланган дастурда 19 та масалани муҳокама этиш кўзда тутилган. Улар нималардан иборат? Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта бизнес субъектларини аниқлаб, уларга инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва рўёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш; тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши мониторингини олиб бориш; жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида кичик бизнес фаолиятига қизиқиш уйғотиш, тадбиркорлик руҳини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш дастурининг ижросини таъминлаш; тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмаслиги сабабларини ўрганиш, уларга ишни қайтадан бошлаб юборишларига кўмаклашиш; «Буюк Ипак йўли» бизнес инкубатори, «Бизнес олами» мактаби ва товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ўқув курслари ташкил этиш; мавжуд йирик корхоналар, акциядорлик жамиятларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва иншоотларни аниқлаб, уларни ишбилармонларга сотиш ёки ижарага бериш; тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи кичик улгуржи савдо дўконлари очиш; тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

Шаҳар ҳокими ишчи гуруҳининг раиси бўлиб, у ҳар ойда ва чоракда бўлиб ўтадиган йиғилишларни бошқариб боради. Бу йиғилишларда ҳоким ўринбосарлари, ҳокимликнинг бўлим ва комиссиялари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш бўйича ишчи гуруҳлари, солиқ инспекцияси, тижорат банклари, «Ўзбекистон» суғурта компанияси агентлиги, «Мулоқот» студияси раҳбарлари иштирок этади.

Шуни айтиб ўтиш кераккки, йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарор талаблари албатта ижро этилади. Чунки ишчи гуруҳи котибияти йиғилиш қарори, шунингдек, раис ва унинг ўринбосарлари томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши бўйича назорат карточкаларини юритади.

*ДАЛИЛ. Биз ана шу назорат карточкаларини кўздан кечирар эканмиз, атайин 2002 йил 3 апрелдаги йиғилишда муҳокама қилинган «Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ва микрокредитлар ажратиш ишларининг бориши ҳақида»ги масала тақдири билан қизиқдик. Ҳоким ўринбосари, ишчи гуруҳи раисининг муовини Шарифжон Йўлдошев дарҳол ўша мажлиснинг 3-сонли баёнини қўлимизга тутқазди. Чунки ушбу ҳужжатнинг қарор қисмида, жумладан, шундай дейилганди: «1. Шаҳарда фаолият юритаётган банк бўлимлари томонидан кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитлар миқдорини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилансин».*

*— 2003 йилнинг 1-чорагида шаҳар банклари жами салкам 4 миллиард сўм кредит ажратди, — деди Шарифжон ака. — Унинг 1 миллиард 800 миллион сўми тадбиркорлик субъектларига берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 51 фоиз кўпдир.*

*Чиндан ҳам, назорат карточкасида юқоридаги рақамлар қайд этилганини кузатдик.*

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича шаҳар мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг йил давомида ишлаши, ҳоким унинг ҳар йиғилишини бошқариши, мазкур йиғилишларда энг долзарб масалалар муҳокама этилиши ва қабул қилинган қарорлар бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиб, назоратга олиниши шаҳарда бу борада эришилаётган ютуқларнинг биринчи омили эди. Иккинчи омил ҳақида кейинги мақолада тўхталамиз.

*(Давоми бор).*

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Янги кўприк қурилмоқда

*Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманлари ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударёнинг қуйи қисмида катта кўприк қурилмоқда. Ҳозиргача бу улкан иншоотнинг бешинчи қисмини монтаж қилиш тугалланди. Бу ишда республикамиздаги барча кўприк-қурилиш трестларининг жамоалари фаол иштирок этмоқда. Кўприк эса юртимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида ишга туширилади. Натижада ҳар иккала туман учун бирдек ўзаро фойдали ва қулай имкониятлар эшиги очилади.*

*Шунингдек, у Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини темир йўл ва транспорт йўллари билан боғлайди. Бу эса ўз навбатида туман ва шаҳарлар ўртасидаги юк ташиш ва автомобиль ҳаракатида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.*



*СУРАТЛАРДА: Илҳом Ўрозов, Эркин Оразметов, Унгер Жамшитов ва Рашид Байрамқиличев; кўприк қурилишида.*

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Газетада босилмади, аммо...

### Камчиликлар бартараф этилди

*Марҳамат шаҳридаги «Мустақиллик» 2-боши берк кўчасида ҳамда Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар таҳририятимизга йўллаган мактубларида табиий газ, тоза ичимлик сув таъминотидаги узилишлар, шунингдек, Чинобод гимназия-интернатидаги камчиликлар тўғрисида фикр юритишганди. Биз ушбу шикоят хатларида келтирилган далилларни текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун Андижон вилояти ҳокимлигига юборгандик. Шу муносабат билан яқинда вилоят ҳокими ўринбосари Н.МАҚСУДОВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:*

**«Ҳар иккала ариза вилоят ҳокимлигида белгиланган тартибда кўриб чиқилди.**

**Марҳамат Агросаноат коллежи ҳудудидаги ўрта босимли табиий газ шохобчасидан қўшимча қувурлар тортилиб, «Мустақиллик» 2-боши берк кўчасининг бир томонида газ таъминоти яхшиланди. Унинг иккинчи тарафига «Наврўз» кўчасидан Б.Сулаймонов кўчаси орқали диаметри 159 миллиметрлик ўрта босимли газ тармоғи қурилиши режалаштирилди. Кўча аҳлининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида диаметри 50 миллиметрлик 200 метр узунликдаги полиэтилен қувурларини улаш ишлари бошлаб юборилди.**

**Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғининг айрим қисмларига «зангори олов» етиб бормаган. Шунга кўра, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган маълумотномалар асосида, туман ҳокими фармойиши билан ойлик тўловлар тўхтатиб қўйилган. Ҳозир қишлоқ марказида табиий газ таъминоти меъёр даражасига келтирилиб, аҳоли талабини қондириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.**

**Қишлоқда республика иқтисодиёт лицейи негизида ташкил этилган гимназия-интернет бошқа жойга кўчирилиб, замонавий услубда таъмирланди. Ўқув хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланиб, ётоқхона ва ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилди».**

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

# Ушовидан тушови қиммат қурилишлар

*Шаҳар-қишлоқларимизда барпо этилаётган бири биридан кўркам-муҳташам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар биноларини таърифлашга баъзан сўз ожизлик қилади. Лекин уларни барпо этиш учун давлат томонидан ажратилаётган миллион-миллион маблағлардан ўринли фойдаланилаяптими? Афсуски, бу саволнинг жавоби баъзан кишини ўйлантириб қўяди. Сабабини Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида шундай изоҳлаганди:*

“Пудратчи ташкилотлар фаолиятида қурилиш ишларини оқилона ташкил этишга ҳаракат йўқ, қурилиш харажатларини камайтириш, сифатини ошириш учун ҳеч қандай изланиш йўқ. Энг ажабланарли жойи шундаки, қурилишдаги сарф-харажатни оширгани ва шартнома мажбуриятларини бузгани учун ҳозирга қадар бирор-бир пудратчи ёки буюртмачи айбдор деб топилиб, на маъмурий, на жиноий жавобгарликка тортилгани йўқ”.

Самарқанддаги “Саховат” масъулияти чекланган жамияти фаолиятида ҳам ана шундай камчиликлар учрайди. Бу жамоа томонидан қатор коллежлар бинолари барпо этилган. Аммо уларнинг аксариятида бунёдкорлик ишлари хўжакўрсинга бажарилган. Жумладан, Пахтачи туманидаги Зиёвуддин қўрғонида жойлашган болалар ва ўсмирлар мактабини тубдан қайта таъмирлаб, педагогика коллежига айлантириш жараёнида айнан шундай ҳолат яққол кўзга ташланди.

Ушбу иншоотда амалга оширилажак юмушларга вилоят капитал қурилиш бошқармаси буюртмачи эди. Лойиҳаси эса “Ўзқишлоқлойиҳа”нинг Самарқанд филиали томонидан яратилганди. Бош пудратчи — “Саховат” лойиҳа ҳужжатларига асосан бултур январдан сентябргача бўлган муддат ичида асосий таъмирлаш ишларини якунлади. Аммо бажарилган юмушлар сифати дуруст бўлмади. Фикримизнинг далили сифатида бино қурилишини қабул қилиб олган тафтиш гуруҳи маълумотномасида битилган жумлаларни келтирамиз:

“Ушбу объектнинг тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида реконструкция қилиш 2002 йилнинг январь ойидан бошланиб, 2002 йилнинг сентябрь ойида асосий ишлар тугалланган. Текшириш кунида коллеж биносида ниҳоясига етмаган қатор ишлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, 1, 2, 5, 8-корпусларнинг вентиляциялари, иккита ички ҳовлининг канализация ва телефонлаштириш ишлари бажарилмаган”.

Маълумотномада, бундан ташқари, коллежнинг иситиш тармоғида, қозонхоналарида, спорт залларида, электр тармоқларида, ўқув залларини пардозлашда ҳам нуқсонлар мавжудлиги ёзиб қўйилган.

Капитал қурилиш иншоотларини молиялаштириш, нархларнинг шаклланиши баъзи туманларда назоратдан четда қолаётгани янада ачинарлидир. Бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи қўлига етиб боргунга қадар икки, ҳатто уч-тўрт воситачи қўлидан ўтмоқда. Оқибатда уларнинг баҳоси ошиб кетмоқда. Ҳатто ўз юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига ҳам 15 фоизгача устама нарх қўйилмоқда.

Ана шундай ҳолат Пахтачидаги коллеж биносини қуриш жараёнида ҳам юзага қалқиб чиқди. Ўтган йил июнида мазкур иншоот учун “Самарқандғишт” корхонасидан бош пудратчи 15 минг дона ғишт олган. Ажабланарлиси, ўша пайтда 1000 дона ғиштнинг каталог нархи 28568 сўм бўлган. Амалда эса 30000 сўмдан харид қилинган. Оҳангаронда тайёрланган шифернинг ҳар биттаси аслида 1850 сўмдан қилиб белгиланганига қарамай, “Саховат” томонидан 1000 донаси 2417 сўмдан сотиб олинган.

Цемент келтиришда ҳам шундай қингирлик рўй берган. “Қобилова” хусусий корхонаси 80 тонна цементнинг ҳар тоннасини «Саховат»чиларга 26 минг сўмдан топиб беришган. Аслида эса ўша кезлар бу маҳсулотнинг каталог нархи 22 минг сўм атрофида бўлган.

Пастдарғомдаги Гўзалкент қишлоқ хўжалик коллежи қурилишида йўл қўйилган камчиликлар ҳам кишида жиддий ташвиш уйғотади. Туманда тасдиқланган инвестиция дастури асосида ишга туширилган иншоотлар бўйича берилган маълумотномада “Чимбойобод” ширкат хўжалигида тикланган 600 ўринли касб-ҳунар коллежи 2002 йил февралида бошланиб, декабрда асосий ишлар тугалланган, деб ёзилган. Аммо 2003 йил биринчи чораги охирида ҳам бу ерда қурилиш давом этаётган эди. Оқибатда коллежга қабул қилинган 325 нафар ўқувчи ойлар давомида ширкат хўжалигининг эски идорасида, ташландиқ дўконларда ўқишга мажбур бўлишди. Ётоқхонага мўлжалланган бинода пардозлаш, пол қоқиш ишлари ҳалигача бошланмаган. Электр энергиясининг иккинчи тармоғи бўйича ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмаган. Қозонхонадан фойдаланиш ҳақида эса гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Таъмирланган айрим хоналар ҳозирданоқ қайта созлашга муҳтож бўлиб қолган.

Чархин ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг аҳволига маймунлар йиғлайди, десак, асло хато бўлмас. Ушбу иншоот қурилишини зиммасига олган “Дорбат” хусусий корхонаси таъмирлаш юмушларини 15 ойдан буён чўзиб келмоқда. Бажарилган ишлар эса ўта сифатсиз. Таъмирланган ва пардозланган хоналарнинг шифтлари аллақачон кўчиб тушган. Поллар абгор аҳволда. Бутун қиш мобайнида қозонхона ишлатилмади. Устахона ва бошқа айрим зарур бинолар ҳали-ҳануз чалалигича турибди.

Бу ҳолатлар айрим раҳбарларнинг ўз вазифасига бепарволиги, масъулиятсизлиги туфайли келиб чиқмоқда. Энг ачинарлиси, давлат томонидан ажратилаётган миллион-миллион маблағлар кимларнингдир хўжасизлиги оқибатида ҳавога совурилаяпти. Қурилиш харажатлари ошиб кетаяпти.

Бинобарин, бунёдкорлик соҳасида, энг аввало, буюртмачининг назоратини, талабчанлигини, пудратчининг эса масъулиятини ошириш лозим. Акс ҳолда, мақсадга эришиш қийин.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**
**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**



# Ўзбекистон ва Польша:

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Совет империяси қулагач, Польша—Ўзбекистон муносабатларида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди. Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларидаги сиёсий тузумнинг ўзгариш жараёнлари Польшадан бошланди, Марказий Осиёда эса — Ўзбекистондан. Мамлакатимиз минтақада биринчи бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йилнинг 27 декабрида Польша Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди. Ана шу кундан мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ришталари ўрнатила бошланди. 1992 йилнинг 19 мартида икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқаларга асос солиниб, 1996 йилда Тошкентда Польша Республикасининг элчихонаси очилди. 1995 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Варшавада бўлди. Сафар чоғи Польша Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим, турли соҳаларда қатор шартномалар имзоланди.

Шу ўринда Польша давлатининг сиёсий-иқтисодий, тарихий-жўғрофий ҳолати ҳақида қисқача маълумот:

Польша Марказий Европадаги энг катта давлатлардан бири ҳисобланиб, жанубда Чехия ва Словакия, шарқда — Украина, Белорусь ва Литва, ғарбда — Германия, шимолда — Россия каби давлатлар билан чегарадошдир.

Мамлакатнинг умумий ҳудуди 322683 км. кв.ни ташкил этади. Пойтахти Варшава мамлакатнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, аҳолиси 1 миллион 600 минг киши.

Ҳозирги кунда Польша аҳолиси 38 миллион 600 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 97 фоизи поляклар, қолган қисмини украинлар, немислар, белоруслар, чехлар, словаклар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Аҳолиси сони бўйича Польша Европа давлатлари орасида 8-ўринни эгаллайди. Доимий равишда хорижий мамлакатларда истиқомат қилувчи поляклар эса 12 миллион кишини ташкил этади.

Польша роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб бўлиб, бой тарихга эгадир. Юз йиллар давомида Польша ҳуқуқий тизими немис, рим, француз, австрия, рус ва совет ҳуқуқи таъсири доирасида шаклланиб келди.

1791 йилда Польшада Европада биринчи бўлиб Конституция қабул қилинди. Бироқ, 1795 йилдаёқ Польша давлати мамлакатнинг Австрия, Пруссия ва Россия томонидан бўлиб олиниши натижасида мустақиллигини қўлдан бой берди. 1918 йилда мустақиллик қайтадан қўлга киритилгунига қадар Польшанинг ҳар учала қисмидаги ҳуқуқий ривожланиш алоҳида-алоҳида бўлди.

Польша Марказий ва Шарқий Европада коммунизм ғояларидан воз кечган биринчи давлатдир. Бу қатъий қўйилган қадам бутун минтақа бўйлаб ўз таъсирини кўрсатди.

Польша — тузилиш бўйича унитар давлат ҳисобланиб, парламент ва президентлик бошқаруви тизимини ташкил этади.

Польшанинг бугунги кундаги конституцион тизими 80-йилларнинг охирларида олиб борилган қатор ислоҳотлар натижасида юзага келди. 1989 йил Польша парламентининг икки палатали тизими қайтадан жорий этилди. Президентлик институти ташкил топди.

Замонавий Польша ҳуқуқий тизимининг ядроси — демократик Конституция Польша Миллий Йиғилиши томонидан 1997 йилнинг 2 апрелида қабул қилинган ва ўша йилнинг 25 май куни кучга кирган. Давлатнинг янги асосий қонуни ҳисобланган Польша Конституцияси кишиларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга доир қатор эркинликларни таъминлаб берди.

Польша Республикаси қонунчилик ҳокимияти парламентнинг икки палатаси — Сейм ва Сенат томонидан амалга оширилади. Қуйи палата — Сейм Конституция ва қонунлардан келиб чиққан ҳолда ҳукумат устидан назоратни амалга оширади. Сейм ҳам мажоритар, ҳам пропорционал тартибда умумхалқ сайлов ҳуқуқи асосида сайлаб олинадиган 460 нафар депутатдан иборатдир. Сенат мажоритар тартибда фуқаролар томонидан сайланадиган 100 нафар сенатордан ташкил топган. Парламентнинг ҳар иккала палатаси ҳам 4 йиллик муддатга сайланади.

Польша — Марказий ва Шарқий Европадаги давлатлар орасида биринчилардан бўлиб бошқарув иқтисодиёт тизимидан эркин иқтисодиёт тизимига ўтишни бошлаб берди. Ушбу ўтиш мамлакатда энг оғир шароитлар, миллий валютанинг қадрсизланиши ва истеъмол товарларининг танқислиги юз берган даврларга тўғри келди. 1990 йилга келиб мамлакат иқтисодиёти Марказий Европадаги давлатлар орасидаги энг паст натижаларни кўрсатди. 1990 йилда инфляция кўрсаткичлари 686 фоиз, 1992 йили 43 фоиз ва ниҳоят, 2000 йилнинг охирларига келиб 8,5 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда эса Польша ўз иқтисодий кўрсаткичлари бўйича энг кучлилар сафидан ўрин эгалламоқда.

Мамлакатда ялпи миллий маҳсулот 1993 йилда 3,8 фоизга, 1994 ва 1995 йилларда 5,2 фоиз ва 7,0 фоизга, 2000 йилда эса 4,1 фоизга ўсди. «Дойче Банк» томонидан келтирилган ўрганишлар натижасига кўра 2000 йилда Польшадаги ЯММ аҳоли жон бошига 8 минг 500 АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳозирги кунда Польша иқтисодиётининг асосий негизини хусусий тармоқ ташкил этади. Хусусий тармоқ давлат хўжалик объектларини хусусийлаштириш орқали ҳамда янги хусусий корхоналарнинг ташкил этилиши ва ривожланиши натижасида ўсиб бормоқда. 2000 йилда хусусий тармоқда Польша аҳолисининг 72,3 фоизи фаолият кўрсатган.

1999 йилнинг 26 февраль куни мамлакат Президенти Александр Квасьневский Шимолий Атлантика Шартномасини имзолади ва ўша йилнинг 20 март куни Польша НАТО аъзолигига қабул қилинди.

Польша Ўзбекистоннинг Европадаги асосий савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2001 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси вакиллари халқаро Познань ярмаркасининг фахрий меҳмони бўлишган. Ярмарка давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг поляк тилида нашр этилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу асар профессор Т. Бодио таҳрири остида «Elipsa» нашриётида чоп этилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бўлиб ўтган ушбу тақдимот маросими Ўзбекистон — Польша дўстлигининг катта байрамига айланиб кетди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 3 мингга яқин поляк истиқомат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида, қолганлари Самарқанд, Бухоро ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида яшашади.

1989 йилнинг 15 ноябрида Тошкентда Польша маданий маркази — «Светилица польска» ташкил этилди ва марказга 1992 йилда республика жамоат ташкилоти мақоми берилди. 2000 йилда Бухорода унинг бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари, 1999 йилдан бери Самарқандда «Полонез» поляк маданий маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

«Светилица польска» маркази 300 доимий аъзога эгадир. 1992 йилдан буён марказ томонидан поляк синфи ташкил этилган бўлиб, Польшадан келган ўқитувчилар томонидан поляк тили ўргатилиб келинмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар 72-сонли ўрта мактабда ҳам Польшадан келган мутахассис Э. Анджеевска бошчилигида поляк тили ўргатилмоқда.

«Светилица польска» Тошкент шаҳридаги Ҳумоюн ва Ҳувайдо маҳаллалари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Польша давлатларининг миллий байрамларига бағишланган турли хил тадбирларни ўрказиб келмоқда.

Буларнинг барчаси яна бир бор халқларимиз ўртасидаги кўнгил яқинлиги, дўстлик ва қардошлик ришталарини намоён этади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Польша Республикасида давом этаётган расмий ташрифи ҳамда Польша давлати раҳбари А. Квасневский билан олиб бораётган музокаралари давлатларимиз ўртасидаги қардошликни янада мустаҳкамлашига асло шубҳа йўқ.



**Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА,**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.**

---

Қарор ва ижро

# Хотирабузар «чип»лар

Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан солиқ хизмати ходимлари ўтказаётган рейд ва текширувлар давомида мутлақо кутилмаган ҳолатлар намоён бўлаяпти. Қарор эълон қилинган кезлари Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари «Чорсу» савдо маркази ичида жойлашган «Мадина-Голд» масъулияти чекланган жамиятга қарашли заргарлик дўконида тезкор текширув ўтказдилар. Шу жараёнда назорат-касса машинасидаги нақд пул тушуми касса кўрсаткичи билан солиштирилганида 38,8 минг сўм савдо пули НКМ хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, сотилаётган 56 дона заргарлик буюми чет элдан келтирилган, лекин божхона кўригидан ўтказилмагани ҳам аниқланди.

Солиқ хизмати ходимлари шундан кейин назорат-касса машинасининг техник ҳолатини текшириб кўришга киришдилар. «Гаров-Тараққиёт» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари дўконда ишлаб турган «Меркурий-115» русумли назорат-касса машинасининг пломбалари бузилганлиги, касса аппарати хотирасига таъсир кўрсатувчи микросхемалар ўзгартирилганлигини тасдиқладилар ва ундан фойдаланишни тақиқладилар.

Ўша куни «Юнусобод савдо мажмуаси»да жойлашган 4-дўконда ҳам текширув ўтказилган эди. Дўконда ноқонуний йўллар билан олиб келинган, тегишли ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган 87,9 минг сўмлик турли хил маҳсулотлар савдога қўйилмаганлиги, назорат-касса машинаси ичига «чип» мосламаси ўрнатилиб, унинг хотираси бузилаётганлиги маълум бўлди. Савдо мажмуасидаги 30-дўконда ҳам шундай аҳвол намоён бўлди. Дўконда акциз маркасисиз 55,2 минг сўмлик спиртли ичимлик савдога қўйилганлиги камлик қилганидек, назорат-касса машинаси ичига «чип» мосламаси қўйилиб, ноқонуний савдо фаолияти юритилаётган экан.

Шундан кейин барча умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлатилаётган назорат касса машиналарини бирма-бир кўздан кечириб чиқишга тўғри келди. Солиқчилар Ҳамза туманидаги «Леон» кафесининг 9 кунлик иш фаолиятини таҳлил қилиб чиқишганида бир қатор қоидабузарликлар кўзга ташланди. Кафе таъсисчиси Т.Мартиросян ўтказилган маросимлардан тушган 805 минг 440 сўмдан кунига бор-йўғи 8-10 минг сўмини инкассация қилиб, қолган тушумни ўз фойдасига ўзлаштириб келганлиги маълум бўлди. Шу тариқа у 720 минг 484 сўм пул маблағларини яшириб қолган эди. Тушумлар чала-ярим кирим қилиб келинган НКМни экспертизадан ўтказиш учун «Фотон» ҳиссадорлик жамиятига топширилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Тиниқ осмон» хусусий фирмасига қарашли «Рио-Гранд» кафесида ҳам шундай аҳвол намоён бўлди. Бу ердаги назорат-касса машинаси текширувдан ўтказилганида унинг фискал хотирасига бир кунда 596 минг 650 сўмлик чек урилиб, шундан фақат 16 минг сўм инкассация қилинганлиги, қолган қисми эса назорат касса машинаси фискал хотирасидан чиқариб ташланганлиги маълум бўлди.

Бу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мутлақо зид эди.

Қарорда қўйилган талаблар барча тадбиркор ва тижоратчиларга етказилган бўлишига қарамасдан ҳамон амалдаги қонун-қоидаларга зид иш қилинаётганлиги кишини афсуслантиради. Улар, энг аввало, содир этилаётган бундай қоидабузарликлар ўзларига қимматга тушишини билиб қўйишлари керак. Бу ҳақда қарорда очиқ-ойдин ёзиб қўйилибди. НКМнинг фискал хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурни атайин бузган ҳолда ундан фойдаланиб келаётган тадбиркор ва тижоратчилар энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, қоида бузиш такрорланганида эса энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жаримага тортиладилар. Топганим ўзимга буюрсин, деган одам қалтис йўлга кирмайди.

Ҳозирча 30 дан ортиқ ҳолатда қарорга зид хатти-ҳаракатларнинг олди олинди. Қоидабузарлар тегишли жазоларини олдилар. Бундан буён ҳам эгри йўллар билан бойлик орттириш йўлига кирганларга нисбатан шафқат бўлмайди.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**




## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Маълумот рад этилди

*Кеча Эрон мамлакатда "Ал-Қоида" террор ташкилотининг матбуот котиби Сулаймон Абу Ғоитнинг ушлангани ҳақидаги хабарни рад этди. Эрон ҳукумати матбуот котиби Абдулла Рамазонзоданинг журналистларга маълум қилишича, ҳибсга олинганлар орасида бундай шахс бўлмаган.*

*Бундан сал олдинроқ араб ва Европа оммавий ахборот воситаларида Эрон хавфсизлик органлари томонидан Абу Ғоит ва "Ал-Қоида"нинг бошқа бир неча юқори лавозимли фаоллари қўлга олинганлиги ҳақида маълумот тарқатилган эди.*

*New York Times*

### Террорчи жазосини олди

*Россиянинг Амур вилояти Магадачи қишлоғидаги боғчани қўлга олган террорчи вилоят суди томонидан 12 ярим йилга озодликдан маҳрум қилинди. Маълум бўлишича, суд-тиббиёт экспертизаси айбланувчининг руҳий носоғлом эканлигини ҳам аниқлаган. 28 ёшли Станислав Терехов 2003 йил 20 январь куни бир неча болалар ва икки нафар боғча ходимини гаровга олган, бинони портлатиб юборишини айтиб, Макаров пистолети, автомобиль ва гиёҳванд моддалар талаб қилган эди. Бир неча соат ичида жиноятчи қўлга олиниб, гаровдаги болаларнинг 4 нафари даволанишга, руҳий шикаст олган яна 2 бола сиҳатгоҳга юборилганди.*

*РИА "Новости"*

### Ғарбий соҳилда яна бир тўқнашув



*Исроил ҳарбийлари томонидан фаластинлик бир фуқарони қўлга олиш бўйича кеча Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ўтказилган операция давомида унинг акаси отиб қўйилди. Фаластин хавфсизлик маҳкамаси матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, Исроил кучлари фаластинликнинг уйига бостириб кирган, уни ҳибсга олган ва қўшни ойнадан қараб турган унинг акасини отиб ташлаган. Исроилликлар эса ҳарбийлар жавоб ўқини узганлигини таъкидламоқдалар. Отишма чоғида марҳумнинг турмуш ўртоғи ҳам жиддий яраланган. Эслатиб ўтамиз, мазкур операция сешанба куни кўп қаватли турар жойда юз берган қўпорувчиликни Фаластиннинг "Ислом жиҳоди" гуруҳи ўз бўйнига олгач, амалга оширилган эди.*

*Cable New Network*

### Болалар ўлимига ...она сабабчи

*АҚШда автомобилда 5 соат қамалиб қолган икки бола ҳаётдан кўз юмди. Маълум бўлишича, уларнинг онаси машинани қулфлаб, спорт марказига кириб кетган. Бир неча соатдан сўнг полиция шерифи болаларни кўриб қолган.*

*Шериф Пол Паттерсоннинг айтишига қараганда, 5 ёшли болакай автомобиль очилмай турибоқ вафот этган. Танаси бутунлай ҳолдан тойган унинг 3 ёшли укаси эса касалхонада жон берган. Бу фожиали воқеа Лос-Анжелосдан 100 км. четроқдаги шаҳарчада юз берган. Шу куни ҳаво ҳарорати 37 бўлган, шерифнинг айтишича, машина ичидаги ҳарорат 50 га етган. Ўз фарзандларининг ўлимига сабаб бўлган онага бу воқеа жуда кучли руҳий таъсир қилган ва у ҳам шифохонага ётқизилган.*

*Associated Press*

### Франция тайёр эмас

*Куни кеча эълон қилинган маърузадан маълум бўлишича, агар Францияга террорчилар томонидан бактериологик ҳужум амалга оширилгудек бўлса, мамлакат фуқаролари ҳаёти жиддий хавф остида қолиши мумкин. Франция соғлиқни сақлаш ва тадқиқотлар вазирлигига тақдим этилган мазкур маърузада айтилишича, республика ҳукумати бактериологик қурол билан террористик ҳужум бўлиш ёки бирор-бир эпидемиянинг юзага келиш хатарини етарлича баҳоламаяпти.*

*Reuters*

### 19 йиллик уйқу

*Арканзас штати(АҚШ)да автоҳалокатдан сўнг ҳушига келмаган эркак 19 йилдан сўнг уйғонди. 39 ёшли Терри Уоллис кўзини очгач, биринчи айтган сўзи "она" бўлди. Кейин "пепси", сўнг "сут" деган сўзларни тилга олди. Ҳозир унинг нутқи тўла қайта тикланди. У 1984 йил июлда дўсти билан машинада кетаётиб, ҳалокатга учраган, уларни эртаси куни топишган эди: дўсти ҳалок бўлганди. Терри Уоллиснинг турмуш ўртоғи ва ҳалокатдан бир неча ой илгари туғилган қизи бор. Ҳозир у 19 ёшга қадам қўйган. Ҳозир фалаж ҳолатида бўлган Уоллис қизи учун албатта яна оёққа туришини айтмоқда.*

*Sunday News*

### Интернетда жанг



*Куни кеча минглаб хакер (компьютер технологияларини интернет тизими орқали ищдан чиқарувчи)лар томонидан жаҳон ахборот тизимида мусобақа уюштирилди. Мусобақа иштирокчилари энг кўп ва машҳур интернет сайтларини ищдан чиқариш бўйича баҳслашди. Натижада, шу куни онлайн тартибида ишлаётган жуда кўп интернет сайтларига зарар етказилди. Уларнинг аксарияти АҚШ интернет сайтларидир. Мамлакат ҳукумати ва хусусий интернет сайти эгалари бу мусобақа ўтказилиши ҳақида огоҳлантирилган эди.*

*Cable News Network*

**Мадина МУҲАММЕДОВА ва Ботиржон ҒОФУРОВ тайёрлади.**

*"Правда Востока" газетасининг шу йил 2 июлдаги сонида чоп этилган "Амир Темур" ва Ҳаким ота" номли бир мақолани ўқиб қолдим. Газетада хабар қилинишича, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги "Пахтаобод" хўжалигида истиқомат қилаётган Ҳаким Усмонов ўзи яратган янги қовун навига, нима денг... Амир Темур номини берибди. "Правда Востока" газетаси эса буни элга бир хушхабардай тарқатаяпти.*

# Амир Темур номини авайлайлик

Муносабат

Эҳтимол, миришкор шу йўсинда буюк ватандошимизга ўз эҳтиромини ифода этмоқчидир? Унинг нияти самимий ва сидқидил эканлигига зинҳор бизда шубҳа йўқ.

Лекин, барибир, у яратган янги қовун нави "Амир Темур" деб аталганлиги ақл-идрокка қанчалик мос келади, деган савол ҳар бир кишида туғилади.

Шўро даври соҳибқирон бобомизни бадном қилди. Мустақиллик бу тарихий адолатсизликка чек қўйди. Амир Темур номи — бизнинг миллий ғururимиз ва ифтихоримиз бўлиб қолди. Бу буюк давлат арбоби, маданият, фан ҳомийси, тенгсиз ҳарбий саркарданинг номи ва тарихий фаолияти қалбимиз, имонимиз-виждонимизнинг тўрида. Амир Темур номини бундан кейин ҳам шу баландликда тутиш — ватандошларимизнинг бурчидир.

Энди, тасаввур қилинг: бобокалонимиз номи билан «сийланган» қовун бозорга олиб келинди дейлик. Унга эътибор қилган харидорлар: "Амир Темур неча пул?» деб сўрамайдими?

Амир Темур ҳақида гап кетар экан, унинг шаънига соя соладиган нимаики ҳолатга дуч келсак, беэътибор қолдириш мумкин эмас. Жумладан, янги нав қовунни унинг номи билан аташга ҳам.

Ҳурматли газетамиз "Правда Востока"нинг ижодкорлари, афтидан, янги қовун навига ўта маҳлиё бўлиб қолишган бўлса керакки, зинҳор: "И-я қовуннинг номи нега бунақа?" деган саволни хаёлларига келтиришмаган. Лекин ўйлаб кўришса бўларди.

Хуллас, янги қовун навини яратган муҳтарам миришкоримиз бизни тўғри тушунсин. Унинг меҳнаткашлигини, халқимизни ширин-шакар қовун-тарвузлар билан сийлаш мақсадида қилаётган саъй-ҳаракатларини эъзозлаймиз. Лекин яратган янги қовун навига бошқа ном топишини маслаҳат берардик.

Амир Темур номи табаррук эканлигини унутмайлик.

**М.САФАРОВ.**

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK BANK

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

# «Ақчакўл илҳомлари» олдидан

Шу йилнинг 14-16 август кунлари Бўстон шаҳрида ёш хонандаларнинг Отажон Худойшукуров номидаги III, ёш шоирларнинг "Ақчакўл илхомлари" деб номланган II республика танловлари ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида танловларни ўтказиш ташкилий қўмитаси иш олиб бормоқда.

Куни кеча Элликқалъа туманида мазкур ташкилий қўмитанинг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Уни Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б.Султонов олиб борди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси М.Ибрагимов, Элликқалъа тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Н.Худойберганов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т.Қаипбергенов сўзга чиқдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# «Мафтункор ранглар дунёси»

Юқори Чирчиқ туманида ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» мавзуида халқаро кўрик-танлов ўтказилди.

Мазкур танловнинг мақсади ногирон болалар орасидан иқтидорлиларини танлаб олиш ва уларни рағбатлантиришдан иборат. Ғолиблар Марказий Осиё бўйича ўтказиладиган халқаро кўрик-танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

**«Туркистон-пресс».**

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Танлов сони — 14.
Эълон қилинган кун — **2003 йил 11 июль**
Кредит рақами: **ОРБ 1595 (МЖ)-ЎЗБ**
Лойиҳа номи: **«Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш»**
Шартнома номи: **Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва услубий қўлланмаларни харид этиш.**

*1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Осиё Ривожланиш банки билан «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарслик ва ўқитувчилар учун услубий қўлланмаларни Ўзбекистон Республикасида жорий этилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида яратиш ва харид этиш учун маблағ ажратиш тўғрисида келишган. Осиё Ривожланиш банкининг аъзоси ҳисобланган давлатлардан бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу танловда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.*

*2. Халқ таълими вазирлиги дарсликлар ва ўқитувчилар учун услубий қўлланмаларни яратиш ва харид этиш танловини эълон қилади. Танлов Осиё Ривожланиш банкининг «Бир этапли икки конвертли» танлов ўтказиш тартиби асосида ўтказилиб, Осиё Ривожланиш банкига аъзо бўлган давлатларда қайд этилган барча корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.*

*3. Танловда қатнашиш истаги бўлган корхона ва ташкилотлар 4-бандда келтирилган манзилдан 2003 йил 11 июлдан бошлаб танлов ҳужжатларини олишлари мумкин. Танлов ҳужжатлари ҳар куни (шанба ва якшанба бундан мустасно) Тошкент вақти билан соат 9.00 дан 17.00 гача берилади.*

*4. Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан танловга тегишли қўшимча маълумот олишлари мумкин:*

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, лойиҳа менежери Г.Ш.Тугеева, лойиҳа харид бўйича мутахассиси Н.Р.Мавлонов.***
***700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй,***
***Республика таълим маркази, 311-хона.***
***Алоқа учун телефон: (998-71) 139-15-73, факс: (998-71) 139-15-71.***
***Электрон почта: uzbpiu@globalnet.uz***

*Банк реквизитлари: Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки марказий амалиёт бўлими, ҳисоб рақами 20203000100101044001, МФО 00882, солиқ рақами (ИНН) 202122808.*

*5. Танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун танлов иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари ва Халқ таълими вазирлигининг қайд этилган ҳисоб рақамига 200 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган курсда ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда корхоналарнинг ишонч хатини тавсия этишлари зарур бўлади.*

*6. Барча таклифлар танловнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этувчи банк кафолати билан бирга 2003 йил 11 август соат 11.00 гача 4-бандда келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари 2003 йил 11 август соат 11.00 да юқорида келтирилган манзилда барча иштирокчиларнинг вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди.*

7556-1R/1407

## INVITATION FOR BIDS (IFB)

IFB Number 14
Date: **July 11, 2003.**
Loan Number: **1595 (SF)-UZB**
Project Title: **Basic Education Textbook Development Project**
Contract Title. **Procurement of Textbooks and Teachers' Guides for comprehensive schools Uzbekistan.**

*1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank towards the cost of Basic Education Textbook Development Project and it is intended that part of the loan proceeds will be applied to eligible payments under this Contract for Procurement of Textbooks and Teachers' Methodological Guides created in accordance with State Educational Standards and Educational Curricular established for comprehensive schools of Uzbekistan. The eligibility rules and procedures of the ADB will govern the bidding process.*

*2. The Ministry of Public Education now invites sealed Bids from eligible Bidders for the supply of Textbooks and Teachers' Guides. Local Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's Single Stage: Two Envelope procedure and is open to all Bidders from eligible source countries.*

*3. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Ministry Public Education and inspect the Bidding Documents at the address given below starting from July 11, 2003 every day from 9:00 till 17:00 Tashkent time (except Saturdays and Sundays).*

*4. The Ministry of Public Education will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.*

***Name: The Ministry of Public Education***

***Address: Project Implementation Unit 80, Uzbekistan Street, Tashkent-700027, Republic of Uzbekistan.***
***Attention: Ms. Guzal Tugeeva, Project Manager and Mr. Mavlonov Nabijon, Procurement Officer***
***Telephone No. (998-71) 139-15-73; Fax No. (998-71) 139-15-71***

*5. The Bidding Document, in English language, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of US $ 200 (two hundred) to the Ministry of Public Education's Bank Account No.20203840900101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Taxpayer Identification Number 202122808). The Residents of Uzbekistan may pay in local currency (SUM), the equivalent of US $ 200 (two hundred) at the exchange rate of Central Bank of Uzbekistan on the date of implementation of the payment to the Ministry of Public Education's Local Currency Account No.20203000100101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Identification Number 202122808). Method of payment is direct deposit to specified account above. The delivery procedure for Bidding Documents to the Bidders is mail or e-mail for overseas delivery and courier for local delivery. No liability will be accepted for loss or late delivery.*

*6. Bids must be delivered to the address below at or before 11:00 hours August 11, 2003. All bids must be accompanied by a security of not less than two percent (2%) of Total Bid Price. Late Bids shall be rejected. Bid will be opened in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address below at 11:00 August 11, 2003.*

7556-2R/1407

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## 2003/2004 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратурага қабул эълон қилади.

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда етук, малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича йирик олий илмий-ўқув масканидир.*



***Ҳозирги кунда университет бакалавриатида 34 йўналиш бўйича 15 факультетда таълим олиш мумкин: санъатшунослик; миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари; филология (тиллар бўйича): ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили; тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича); фалсафа; сиёсатшунослик; психология; социология; журналистика; архившунослик; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бизнес; юриспруденция; биология; физика; механика; астрономия; кимё; география; гидрометеорология; геология; радиопрепаратлар ва ядровий технологиялар; математика; амалий математика ва информатика; информатика ва ахборот технологиялари; лазер техникаси ва лазер технологиялари тармоқлар бўйича; геодезия, картография ва кадастр; агрокимё ва агротупроқшунослик; экология ва табиатдан фойдаланиш.***

**Университетда сиртқи таълим шакли мавжуд бўлиб, булар қуйидагилар:**

ўзбек тили, рус тили; тарих (мамлакат.ва минтақалар бўйича); журналистика; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бизнес; юриспруденция; география; гидрометеорология; агрокимё ва агротупроқшунослик йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади.

**Амалий педагогик стажга эга бўлган махсус сиртқи бўлим бўйича:**

касб таълими (ҳуқуқшунос-педагог); география, информатика ва ахборот технологияси бўлимларига қабул қилади.

**Университетда қуйидаги мутахассисликлар бўйича магистратурада таълим олишингиз мумкин:**

адабиётшунослик; ўзбек адабиёти; рус адабиёти; лингвистика: ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили; таржима назарияси ва амалиёти; адабий манбашунослик ва матншунослик; ватан тарихи; умумий тарих; тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари; археология; этнография; фалсафа тарихи; эстетика; ижтимоий фалсафа; замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи; фан фалсафаси ва методологияси; халқаро муносабатлар назарияси ва тарихи; сиёсий фанлар назарияси ва тарихи; амалий сиёсатшунослик; умумий психология; психология тарихи; спорт психологияси; социология назарияси методологияси ва тарихи; журналистика (фаолият турлари бўйича); телевидение ва радио эшиттириш; иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; менежмент (соҳалар бўйича); бизнесни бошқариш; халқаро иқтисодий муносабатлар; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (ҳуқуқшунос-педагог); зоология; ботаника; ўсимликлар физиологияси; одам ва ҳайвонлар физиологияси; микробиология; генетика; биофизика; биокимё; биотехнология; ихтиология; гидробиология; энтомология; паразитология; теминтология; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (биология); назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика; лазер физикаси; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; радиофизика; ядровий технологиялар; полимерлар физикаси; гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш; қуёш тизими физикаси ва гелиофизика; физика фанини ўқитиш методикаси; назарий механика; деформаланувчи қаттиқ жисм механикаси; суюқлик, газ ва плазма механикаси; астрофизика, радиоастрономия; ноорганик кимё; аналитик кимё; органик кимё; физик кимё; коллоид ва мембрана кимёси; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси; нефт ва табиий газ кимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; геодемография; қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё; метеорология; агрометеорология; кўл ва сув ҳавзалари гидрологияси; сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш; гидрокимё; суғориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув хўжалиги иқтисоди; гляциология ва қор қатламлари мониторинги; геофизика; геокимё; гидрогеология; геотектоника; палеонтология ва стратиграфия; эксперт минералогияси; геология; математик таҳлил; дифференциал тенгламалар; геометрия ва топология; эҳтимоллик назарияси ва математик статистика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; ҳисоблаш математикаси; амалий математика ва ахборот технологиялари; математик физика; композицион ва кукунли материаллар, қопламалар; физик электроника; амалий геодезия; картография; тупроқшунослик; агрокимё; физика ва мелиорация; экология ва биоэкология ихтисосликларида.





*Азиз йигит ва қизлар,*
*Ўзбекистон Миллий университети*
*талабаси бўлишингизга тилакдошмиз!*
*Омад сизларга ёр бўлсин!*

**Университетда вилоятдан келган абитуриентлар учун барча қулай шароитлар яратилган. Улар Талабалар уйидан жой билан тўлиқ таъминланадилар. Абитуриентлар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан консультациялар олиб борилади.**
**Замонавий ўқув хоналари, кутубхона, университет тарихи ва ҳаётини акс эттирувчи музей, спорт заллари, поликлиника ва профилакторий талабалар хизматида ва шу билан бирга ҳарбий кафедрада етук офицерлар тайёрланади.**

Бизнинг манзил: **700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.**
Телефонлар: **118-85-56, 114-52-24, 46-08-94, 46-07-88.**
Метронинг «Беруний» бекати, 10, 28, 34, 87, 88, 116-автобуслар, 3, 4, 8, 20-троллейбуслар.

*Ўзбек халқининг минг йиллар оша шаклланган, сайқал олган беқиёс халқ оғзаки ижоди, ҳунармандчилик санъати бор. Халқимиз томонидан тўқилган ривоят ва эртакларда, мақол ва маталларда, достонларда ҳаётнинг турли томонлари қамраб олинган. Лекин уларнинг барчасида фаровон ҳаётга эришиш ният қилинган. Яна шуниси қувончлики, қарийб барча халқ оғзаки ижоди намуналарида ёшларнинг меҳнатни севиши тарғиб этилади, уларнинг касб-ҳунар эгаллашларига алоҳида эътибор қаратилади.*

# КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ, ҲУНАРЛИНИКИ

Ана шундай халқ оғзаки ижоди намуналаридан бирида ҳикоя қилинишича, юрт подшосининг ишқи бир тўқувчи косибнинг гўзалликда тенги йўқ қизига тушиб қолибди. Совчи юборса, оддий бир косибнинг қизи подшога турмушга чиқмаслигини айтибди. У совчиларга, "Подшонинг тахту аъмолидан бошқа ҳеч вақоси йўқ экан, эртага тахтдан тушиб қолса, қандай қилиб турмуш кечирамиз", деб совчиларга қатъий рад жавобини берибди.

Бу гап подшоҳга қаттиқ таъсир қилибди. У уста тўқувчи ёрдамида гилам тўқиш сирларини ўргана бошлабди. У қўллари қонаб кетса-да, вақт ўтиши билан моҳир тўқувчи бўлиб етишибди, ўзи тўқиган гиламни совчилар қўлига тутқазиб, уларни яна йўлга равона қилибди. Подшоҳнинг гилам тўқиш маҳоратига қойил қолган қиз ана шундан кейингина унга турмушга чиқишга розилик берган экан.

Халқимизнинг ушбу ривояти ўзбек халқининг қадим-қадимдан ҳунарга қанчалик эътибор берганлигини, ҳунарли кишининг ҳамиша иззат-ҳурматда, ҳунарсизнинг эса инсон ўрнида кўрилмаганлигини эслатишдир. Касб-ҳунар ҳақидаги мақолларимизнинг-ку сон-саноғига етиб бўлмайди. Шулардан бири "Бир йигитга қирқ ҳунар оз" мақолидир. Ушбу чуқур маъноли мақол бекорга тўқилмаган, демак, қадимда ҳам халқимизнинг ижодий имкониятлари, салоҳияти шу даражада катта ва серқирра бўлганки, бир йигитнинг қирқ ҳунарни эгаллашига имкон бўлган, элимизда ҳунарлар ва ҳунармандлар кўп бўлган, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларга ҳамиша эҳтиёж сезилган.

Ўтган асрнинг бошларида буюк маърифатпарвар ёзувчи Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон"ида шундай ёзади:

> **"Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур, мол топмакнинг энг барокатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчиликдир. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур".**

Ниҳоятда топиб айтилган гап, бугунги кун учун ҳам ниҳоятда аҳамиятли, қадрли гап.

Касб-ҳунар соҳиби бўлиб, ўз юртида беқиёс обидалар, заргарлик, ҳунармандчилик буюмлари яратган минглаб ҳунарманд усталарни номма-ном билмасак-да, уларнинг иши асрлар ўтса-да, бугунги кунда ҳам ҳар бир юртдошимизда ҳайрат ва ифтихор туйғуларини қўзғайди. Турли хил кашталар, ганчкорлик, наққошлик, кулолчилик санъати дурдоналари, лов-лов ёнган атласимиз, миллий тақинчоқ буюмларимиз бугун ҳам жаҳонни лол қолдирмоқда. Ана шундай касб-ҳунарларни ривожлантириш масалаларига Президентимиз И. А. Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ катта эътибор бериб келмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуси билан биринчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясида "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, кейинчалик Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этишга доир қарорлари эълон қилинди. Уларнинг барчаси диёримиз истиқболи, озод ва обод жамиятни барпо этиш учун юқори малакали, маънавиятли авлодни камол топтиришга, бу борада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилгандир. Айни замонда республикамизда фақатгина кейинги беш йил ичида 51 академик лицей, 404 касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилган. Бу ишларга республика бюджетидан 345,35 млрд. сўм маблағ сарфланган. Агар бунга, чет эл инвестицияларининг киритилишини ҳам қўшсак, Япония, Жанубий Корея, Германия, Швейцария, Испания, Бельгия ҳукуматларининг кредити ва турли хил лойиҳаларини ҳам бирга олиб қарасак, республикамизда таълимга, ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишига давлат миқёсидаги эътиборнинг нақадар улкан эканлигини тўлиқроқ тасаввур қиласиз.

Бугунги кунда республикамизда 862 касб-ҳунар коллежи, академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 579818 талаба 271 йўналиш ва 749 ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Биргина 2001 йилда республикамизда йиллик миллий даромаднинг дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлардагидан ҳам кўп, яъни 12 фоизидан кўпроғи халқ таълими ривожига ажратилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун янги дастур ва ўқув режалари асосида яратилган Давлат таълим стандартларига мос 47 номдаги ўқув адабиётларини 527,5 минг нусхада нашр қилишга эришилди ва бунга 204 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ҳозирги кунда вилоят марказларидан ташқари қишлоқ туманларида ҳам замонавий типда қурилган ҳашаматли касб-ҳунар коллежлари биноларини кўриб, ҳайратга тушасиз. Бундай таълим-тарбия масканлари республикамиздаги ҳар бир туманда барпо қилинган. Ҳа, улар XXI аср бинолари, уларда халқимизнинг келажаги, ишончи бўлган ёшлар таҳсил олишади, касб-ҳунар ўрганишади.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда ёшларимизга касб-ҳунар сирларини ўргатувчи улкан тизим — лицей ва коллежлар ҳалқаси яратилди. Бу таълим даргоҳлари миллий анъаналаримизга мос, миллий эҳтиёжларимизга вобаста тарзда ташкил этилди ва катта муваффақиятлар билан иш бошлаб юборди. Улар тайёрлаган касб-ҳунар эгалари халқ хўжалигига кириб келмоқдалар ва иқтисодиётимизни кўтаришга, муҳтож ўринларимизни тўлдиришга, фаровонликни барқарор этишга хизмат қила бошладилар.

Касб-ҳунар коллежларининг талабалари аллақачон ҳаётдан ўз ўринларини топмоқдалар. Масалан, Мавжуда Шофайзиева тўққизинчи синфни тугаллагандан сўнг Тошкент юридик коллежига ўқишга кирган эди. Уни имтиёзли диплом билан битириб, мана бир йилдан буён ўз мутахассислиги бўйича Республика Олий хўжалик судида ишламоқда.

Ўрганилган ҳар қандай касб, ҳар бир ҳунар инсоннинг бебаҳо ва беғараз бойлиги ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги 8-бизнес мактаб коллежи 122-гуруҳининг сардори Дилдора Исроилова ўрганган касби тўғрисида ифтихор билан гапиради:

— Мен мактаб-коллежнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўлимини тугалладим. Бу касбнинг энг нозик сир-асрорларини ўрганганимиздан мамнунман. Очиғини айтганда, бу йил молия институтига киришга ҳаракат қилиб кўраман. Авваломбор, институтга кириб кетарман. Аммо киролмаган тақдирда ҳам асло хафа бўлмайман. Чунки мен эгаллаган касб ҳамма жойда керак. Яхши ишлай олсам, шу касб билан ҳаётдан ўз ўрнимни топа олишимга ишонаман.

Юртбошимиз айтганидек, одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.

**Барот БОЙҚОБИЛОВ.**

## «ЎЛИМ СЎҚМОҒИ»

Премьера

Умр елдирим. Уни ортга қайтариб бўлмайди. Кимдир умрининг энг гўзал дамларини эзгуликка бахш этса, яна кимдир...

"Ўзбеккино" Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган "Ўлим сўқмоғи" ҳужжатли фильмини томоша қиларкансиз, унда кўтарилган мавзу сизни атрофга тийрак кўз билан боқишга даъват этади.

Видеосериал уч фильмдан иборат бўлиб, биринчи фильмда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчи фильм гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида. Унда гиёҳвандлик йўлига кирган ота-оналарнинг бегуноҳ гуноҳкорлари — ногирон фарзандлар кўз олдингизда намоён бўлади.

"Ўлим сўқмоғи"нинг учинчи фильми "Умр — буюк иноят" деб номланиб, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидадир.

Эътиборли томони шундаки, фильм кенг томошабинлар оммасига мўлжалланган бўлиб, уни суратга олишда таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов раҳбарлик қилган.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Баҳодир Султонов:**

# «НИЯТИМ — АЛБАТТА ЧЕМПИОН БЎЛИШ»

*Шу кунларда Таиланд пойтахти Бангкокда катталар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. 6 июль куни старт олган дунё биринчилигида юртимиз шарафини 11 нафар боксчимиз ҳимоя қилмоқда. Уларнинг орасида бундай нуфузли мусобақада биринчи маротаба иштирок этаётганлар ҳам бор. Шулардан бири, эндигина 18 ёшга қадам қўйган андижонлик чарм қўлқоп устаси Баҳодир Султоновдир. Биз у билан ушбу жаҳон чемпионати арафасида суҳбатда бўлдик.*

Умид юлдузлари

> **У 12 ёшидан бокс билан шуғулланиб келади. Ўсмирлар ва ёшлар орасида Ўзбекистон чемпиони. Ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби (Боку, 2001). Халқаро турнирлар ғолиби (Чехия, Волгоград, 2002). Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони (Куба, 2002).**

— Биринчи мураббийим дадам, десам тўғри бўлади, — дея гап бошлайди Баҳодир. — У киши Тошкентда ўқиб юрган пайтларида бокс билан жиддий шуғулланган эканлар. Бироқ негадир машҳур спортчи бўлиш насиб этмаган. Ўша армони мен орқали ушалишини жуда-жуда хоҳлардилар. Шунинг учун болалигимдаёқ уйимизни спорт анжомлари билан жиҳозлаб, илк бор бокс қўлқопини ҳам қўлимга дадам кийгазгандилар. Онам эса, уч марта сариқ касалга чалинганим боисми ёки оилада якка ўғил бўлганимданми, олий маълумотли бўлишимни истарди. Шунга қарамай, дадамнинг орзуси-ю, ўзимнинг қизиқишим сабаб спортни танладим.

**— Баҳодир, бокс мактабига қачон борганингизни эслай оласизми?**

— Бўлмасам-чи! Ўшанда 1997 йилнинг ёзи эди. Айни мактабдан уч ойга таътил берилган пайт. Дадам, ваъда берганидек, қўшниларимиз қатнайдиган Андижон шаҳридаги 50-бокс мактабига олиб борди. Ҳали-ҳали ёдимда мураббий Марс Қўчқоров дастлаб мени кўриб, «Ҳали кичкина-ю, лекин синов шарти билан олиб қоламиз», деганди. Йўқ, мен ўз мураббийим ишончини оқладим. Тинимсиз меҳнат имконият эшикларини очиб берди. Шу-шу бўлди-ю, катта спортга кириб келдим. Бокс билан шуғулланаётганимнинг иккинчи йили, Бишкекдаги халқаро турнирда 38 килограмм вазн тоифасида тўртта «жанг» ўтказиб, чемпион бўлдим. Ўшанда совға сифатида гилам беришгани кечагидай ёдимда.

**— Муваффақиятларингиз сири нимада?**

— Тинмай изланиш, машаққатли меҳнатдан қочмаслик, таниқли боксчиларга ҳавас ва мағлубиятдан тўғри хулоса чиқариш.

**— Мағлубият?..**

— Ҳа, бу спорт. 2001 йили «Жар» спорт мажмуида фахрий устозимиз Руфат ака Рисқиев соврини учун турнир ташкиллаштирилганди. Ўша пайтлар кетма-кет баҳслардан толиққан эканман чоғи, ярим финалда қозоғистонлик рақибимга очколар ҳисобида ютқазиб қўйдим. Рингдан йиғлаб тушиб, ташқарига чиқсам, ортимдан дадам етиб келди. Мени юпатаяпти-ю ўзининг кўзи тўла ёш. Шундан кейин ўзимга ортиқча ишонмасликка ва рақибга жиддий қарашга ўргандим.

**— Баҳодир, мана, энди Таиландда ўтказиладиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида биринчи бор иштирок этасиз. Шундай нуфузли мусобақадан чўчимаяпсизми?**

— Аввало, катталар орасида биринчи бор жаҳон чемпионатига бораётганимдан, қолаверса, мураббийлар менга юксак ишонч билдиришганидан хурсандман. Албатта, масъулият ҳам, рақиблар ҳам кучли. Шунинг учун дастлаб Янгиободда умумий жисмоний тайёргарликни ўтадик. Мусобақага кетиш олдидан эса пойтахтда тайёргарлик кўрилди. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Мураббийим Алишер Абдуллаевнинг баҳслар давомида ёнимда бўлиши менга қўл келади. Ниятим — албатта чемпион бўлиш.

Шу пайт Алишер ака ҳам суҳбатга қўшилди.

— Баҳодир истеъдодли бола. Икки марта ёшлар орасида жаҳоннинг тенгсиз боксчиси, деб топилган бўлса-да, аввалгидек самимий. Унда баъзи таниқли спортчиларда учраб турадиган ҳаволаниш йўқ. Четдан қараган киши уни чемпион, деб ўйламайди ҳам. Лекин рингга кўтарилганда «Бокс» буйруғини эшитдими, тамом. Тўхтатолмайсиз. Худди машина. Кубадек бокс деса ўзини томдан ташлайдиган давлатдан чемпион бўлиб келганининг сабаби ҳам шунда. Ўйлайманки, у Бангкокда ҳам аввалги муваффақиятларини давом эттиради.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**P.S. Ўзбекистон бокс федерациясидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, 54 килограмм вазн тоифасида «жанг» олиб бораётган Баҳодир Султонов чемпионатнинг биринчи кунида туркиялик рақибини катта (15 очко юқори) устунлик билан мағлубиятга учратган. Иккинчи давра баҳсларида ҳам Баҳодир Руминия боксчисини очколар бўйича ортда қолдириб, кейинги босқичга чиққан. Қолган боксчиларимиздан 6 нафари баҳсларни давом эттираётган бўлса, Отабек Мамажонов (48 кг), Икром Бердиев (81 кг), Тўлашбой Дониёров (51 кг) рақибларига кичик ҳисобда имкониятни бой беришди. Чемпионат 13 июлга қадар давом этади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

*2003/2004 ўқув йили учун қуйидаги олий таълим йўналишлари бўйича талабалар қабулини эълон қилади.*

**Кундузги бўлимга**

**Бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича:** *менежмент; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машиналар ва жиҳозлар; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; касб таълими (молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; электр энергетикаси; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машиналар ва жиҳозлар; агроинженерия; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; озиқ-овқат технологияси; кимёвий технологиялар; нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси).*

**Магистратура мутахассисликлари бўйича:** *касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши; электр энергетикаси; технологик машиналар ва жиҳозлар; бинолар ва иншоотлар қурилиши; информатика ва ахборот технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; кимёвий технология; озиқ-овқат технологияси; агроинженерия), менежмент, машинасозлик технологияси.*

**Сиртқи бўлимга**

**Бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича:** *менежмент; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машиналар ва жиҳозлар; касб таълими (электр энергетикаси; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; технологик машиналар ва жиҳозлар; агроинженерия; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; озиқ-овқат технологияси).*

**Махсус сиртқи бўлимга:** *касб таълими (молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; электр энергетикаси; информатика ва ахборотлар технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; технологик машиналар ва жиҳозлар; агроинженерия; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; озиқ-овқат технологияси; кимёвий технологиялар), информатика ва ахборотлар технологияси.*

**Иккинчи мутахассисликка:** *менежмент; озиқ-овқат технологияси; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш.*

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

Институтнинг махсус сиртқи бўлимига касб-ҳунар коллежларида камида 3 йиллик амалий педагогик стажга эга бўлган ўрта махсус маълумотли педагогик кадрлар меҳнат дафтарчаларидан кўчирма тақдим этадилар.

Манзилимиз: Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 12-уй. Телефон: 34-38-68.

***Қабул комиссияси.***

7621R/1480




Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Аминбой СУЛАЙМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига, институт жамоасига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жамоаси қўмита ходими Зоҳид Нормуродовга укаси **Баҳриддин НОРМУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт I-Болалар жарроҳлиги кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Аминбой СУЛАЙМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Миллий Кенгаши ташкилотнинг Фарғона вилояти Кенгаши раиси Гулчеҳра Латиповага онаси **Зоя ая ИСАКОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент юридик техникуми жамоаси узоқ йиллар давомида Тошкент юридик техникумида раҳбарлик лавозимида ишлаган уруш фахрийси **Исмоил ҚУРБОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 608,
22990 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — С. АНВАР.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 2 3 4 5 6